

**“Фаргона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ**

Йиғилиш ўтказилган сана: 2023 йил 21 апрель

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 10:00

Йиғилиш ўтказилган жой: Фаргона шаҳри, Меъмор кўчаси 9-уй.

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони - 3 643 308 дона

Йиғилишда рўйхатга олинган овоз берувчи акциялар сони - 3102480 дона

Умумий йиғилиш кворуми - 85,16 %

Қатнашдилар:

№ т/р	Ф.И.Ш.	Акциядорнинг номи	Акциялар сони, дона	Улуши, (%)
1.	Фармонов Бахтиёржон	Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили (03.04.2023 й.даги 03/08-1-18/1236-сонли ишончнома)	2012075	55,23
2.	Маматкулов Рустамжон	“OSIYO OLTIN SOVUNI” МЧЖ ишончли вакили (17.04.2023 й.даги 03-сонли ишончнома)	1083425	29,74
3.	Қаюмов Бунёджон	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
4.	Хусанов Қаҳҳоржон	Жисмоний шахс, акциядор	1500	0,04
5.	Саидбурхонова Нафиса	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
6.	Абдуллаев Исроилжон	Жисмоний шахс, акциядор	816	0,02
7.	Холматов Бахтиёр	Жисмоний шахс, акциядор	256	0,01
8.	Тиллабоева Махпуза	Жисмоний шахс, акциядор	772	0,02
9.	Жалолов Икромжон	Жисмоний шахс, акциядор	256	0,01
10.	Гафурова Ирода	Жисмоний шахс, акциядор	512	0,01
11.	Ибрагимова Зулфия	Жисмоний шахс, акциядор	428	0,01
12.	Эшматова Дилфуза	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
13.	Эргашев Икром	Жисмоний шахс, акциядор	980	0,03
14.	Камолова Юлдузхон	Жисмоний шахс, акциядор	344	0,01
	ЖАМИ:		3 102 480	85,16

Йиғилиш раиси: Б.Фарманов - Давлат активларини бошқариш агентлигининг вакили

Йиғилиш котиби: И.Гафурова

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Халқаро аудиторлик ташкилотлари иштирокида миллий ва халқаро стандартлар бўйича ташқи аудитни тасдиқлаш.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Йиғилишни Б.Фармонов очди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишига келган акциядорларни рўйхатга олиш натижалари билан таништириш учун сўзни санок комиссиясининг раисига берди.

Санок комиссиясининг раиси йиғилишда умумий 3 643 308 та овозга эга бўлган 1238 та акциядорлардан 3 102 480 та овозга эга бўлган 14 та акциядорлар қатнашаётганлигини маълум қилди. Бу умумий овозлар сонининг 85,16 фоизни ташкил қилади. Йиғилишда кворум мавжуд ва йиғилиш ўтказишга ваколатли эканлиги эълон қилди.

Йиғилиш раиси йиғилишни очиқ деб эълон қилишни таклиф этди ва ушбу таклифни овозга қўйди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Йиғилиш раиси йиғилишни ўтказиш учун Ишчи президиум сайлашни таклиф этди ва унинг сони ҳамда таркиби бўйича таклиф киритишни сўради.

“Ишчи президиум 2 кишидан иборат бўлсин”, деган таклиф тушди ва овозга қўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

“Ишчи президиумига қуйидагилар сайлансин”, деган таклиф тушди:

Б.Фармонов - Давлат активларини бошқариш агентлиги ишончли вакили,
йиғилиш раиси.

Б.Қаюмов - “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси.

Йиғилиш котиби: И.Гафурова

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

Йиғилиш раиси Б.Фармонов Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссиясининг сони ва таркибини эълон қилди ҳамда уни тасдиқлашни таклиф этди. Санок комиссияси И.Эргашев, Н.Саидбурханова, С.Джурабаевалар таркибида тузилган. Ушбу таклиф овозга қўйилди.

“Тарафдорлар” - бир овоздан, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ

Йиғилиш раиси санок комиссиясига ишга киришиш мумкинлигини маълум қилди. Йиғилиш раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди ва навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг қуйидаги регламентини таклиф қилди.

Маърузачиларга – ҳар бир масалага 10 минутгача, музокарага 5 минутгача.

Йиғилиш регламенти бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибини эълон қилди. Овоз бериш кун тартибининг 1-2 масалалари бўйича кўп овозли бюллетен, овоз бериш бюллетенлари акциядорларга уларни рўйхатга олиш пайтида тарқатилганлиги ва овоз бериш ҳамма масалалар муҳокама қилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларни муҳокамасига ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркибини, яъни И.Эргашев, Н.Саидбурханова ва С.Джурабаевалар

номзодини тасдиқлаш учун овоз бериш таклифини айтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига ҳозирги кунда, “Фарғона ёғ-мой” АЖ Ижроия органи томонидан корхона модернизация қилиш ва унинг фаолиятини кенгайтириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг январь ва февраль ойларида хорижий инвесторлар билан бир қатор учрашувлар ўтказилганлигини айтиб ўтди.

Музокаралар жараёнида, хорижий инвесторлар томонидан қўйилган талаблардан бири корхонанинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида халқаро аудиторлик ташкилотлари иштирокида аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳисобланади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлари жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва жамиятнинг ички ҳужжатларига асосан, “Фарғона ёғ-мой” АЖ 2022 йил якуни бўйича ташқи аудитдан ўтказиш тўғрисидаги жамият акциядорларининг 2022 йил 28 июнда ўтказилган навбатдаги умумий йиғилишининг 12-масаласи бўйича қабул қилинган қарорни бекор қилиш, халқаро аудиторлик ташкилотлари иштирокида миллий ва халқаро стандартлар бўйича ташқи аудит танловини қайтадан ўтказиш ҳамда уни натижаларини жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини таъкидлаб ва ўтказилган аудит танлови бўйича келиб тушган куйидаги таклифларни кўрсатиб ўтди:

1. “TGS-MAGNIT FINANSE” МЧЖ томонидан – 100 млн.сўм;
2. “ASSENT AUDIT INTERNATIONAL” МЧЖ томонидан – 140 млн.сўм;
3. “PILLESER” МЧЖ томонидан – 130 млн.сўм миқдоридан тижорат талифлари киритилган.

Бу юқоридаги таклифларни йиғилиш қатнашчилари билан апрофлича ўрганиб чиқилиб, “OSIYO OLTIN SOVUNI” МЧЖ ишончли вакили Маматқулов Рустамжон сўзга чиқиб, ҳозирги вақтда корхонанинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тижорат таклифи киритган аудиторлик ташкилотларини хизмат кўрсатиш нархларини биров тушириш шарти билан йиғилишда қарор қабул қилиш таклифини берди.

Муҳокамадан сўнг йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича акциядорларга ўз овозларини берилиши таклифини айтилди.

Йиғилиш раиси Б.Фарманов акциядорлар томонидан киритилган таклифларга бюллетень орқали овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Овозларни ҳисоблаш учун 10 минут танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг, йиғилиш раиси сўзни санок комиссияси раиси И.Эргашевга берди. И.Эргашев санок комиссияси мажлисининг 2-сонли баёнини ўқиб берди (илова қилинади). Жумладан:

Ҳақиқий деб топилган бюллетенлар сони 14 дона, яъни 3 102 480 та овоз.

Овоз бериш натижалари куйидагича:

Кун тартибидаги биринчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масаласи бўйича:

“Тарафдорлар” – 100 %, “Қаршилар” - йўқ, “Бетарафлар” - йўқ.

**“Фаргона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва санок комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. Халқаро аудиторлик ташкилотлари иштирокида миллий ва халқаро стандартлар бўйича “TGS-Magnit Finance” МЧЖ ташқи аудит ташкилотига тўланадиган хизмат ҳаққини 70 млн.сўмгача тушириш шарти билан тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



[Handwritten signature]

Б.Фарманов

[Handwritten signature]

И.Гафурова

Баённома 01.05.2023 йил куни икки нусхада расмийлаштирилди.